

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ПОЛОЖЕНИЯ О ПОРЯДКЕ ВЫДАЧИ «ПАСПОРТ
ЛОШАДИ» ПОРОДИСТЫМ И СПОРТИВНЫМ ЛОШАДЯМ

г. Ташкент,

12 марта 2019 г.,

№ 214

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ
**НАСЛЛИ ВА СПОРТ ОТЛАРИГА «ОТ ПАСПОРТИ»НИ БЕРИШ ТАРТИБИ
ТҮҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Республикамизда йилқичилик соҳасини янада ривожлантириш, наслли ва спорт отларини етишириш, спорт отларини халқаро даражадаги кўргазмаларда, спорт мусобақаларида иштирок этишини таъминлаш, эпизоотик барқарорликни назорат қилиш, шунингдек, наслли ва спорт отларига миллий ва халқаро от паспортини бериш тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Наслли ва спорт отларига «От паспорти»ни бериш тартиби түғрисида низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

наслли ва спорт отларига «От паспорти» от эгасининг хоҳишига кўра берилади;

наслли ва спорт отларини аукционларда, кўргазмаларда, миллий ва классик от спорти ўйинларида, спорт мусобақаларида иштирок этиши, шунингдек отлардан хизмат отлари сифатида фойдаланиш ушбу «От паспорти» мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясига уч ой муддатда:

отларнинг генетик (қон) таҳлилини ўтказиш лабораториясини ташкил этиш ва лабораторияда ишлайдиган мутахассисларнинг хорижий давлатларда малака ошириш курсларига юборилишини;

«От паспорти» намунасининг Халқаро от спорти федерацияси (FEI) рўйхатидан ўтказилишини;

«От паспорти»ни бериш билан боғлиқ барча ташкилий чора-тадбирларни белгилаб, уларнинг ижросини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 март,
214-сон

Вазирлар Мажкамасининг 2019 йил 12 марта 214-сон қарорига
ИЛОВА

Наслли ва спорт отларига «От паспорти»ни бериш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қондадар

1. Ушбу Низом наслли ва спорт отларига «От паспорти»ни бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«От паспорти» — наслли ва спорт отларининг насл-насаби, зотга мансублиги, насл қиймати, юқумли касалликларга қарши ўтказилган эмланмалар (вакциналар), лаборатория синовлари таҳлилларининг натижалари ва диагностик текширувлар ўтказилгани тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган хужжат;

наслли от — келиб чиқиши (насл-насаби) маълум бир зотга мансуб бўлган ва наслли от сифатида Давлат наслчилик китобида рўйхатга олинган от;

спорт оти — отлар иштирокида ўтказиладиган турли от спорти мусобақаларида қатнашувчи от;

от эгаси — отга эгалик қилиш хуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар;

Давлат наслчилик китоби — насл хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган отлар тўғрисидаги маълумотлар жамланмаси.

3. «От паспорти» мазкур низомнинг **1-иловасига** мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

4. Наслли ва спорт отлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириб бориш ва наслли отларнинг Давлат наслчилик китобини юритиш Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси томонидан амалга оширилади.

5. «От паспорти» Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси томонидан жисмоний ва юридик шахслар қарамоғидаги наслли ва спорт отларига:

миллий ва классик от спорти ўйинлари, спорт мусобақаларида, кўргазмаларда ва аукционларда иштирок этиш;

отчопарларда, от спорти клублари ва мактабларда ҳамда хизмат отлари сифатида фойдаланиш;

селекция-наслчилик ишларини самарали амалга ошириш;

эпизоотик барқарорликни таъминлаш бўйича амалга оширилган тадбирларни назорат қилиш;

халқаро миқёсда ўтказиладиган спорт ўйинларида (Халқаро мусобақа ва Олимпия ўйинларида) қатнашадиган спорт отларига Халқаро от спорти федерациясининг (FEI) паспортини олиш учун берилади.

6. «От паспорти»ни расмийлаштириш учун от эгасининг ўз маблағлари ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида тўлов тўланади.

7. Тўланган тўлов Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси хузуридаги Йилқичилик ва от спортини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

8. «От паспорти» мазкур низомнинг **2-иловасига** мувофиқ схема бўйича берилади.

2-боб. «От паспорти»ни олишга доир талаблар ва уни бериш тартиби

9. «От паспорт»ни олиш учун от эгаси Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясига ёзма мурожаат қиласи.

10. Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясининг вакили «От паспорти»ни олиш учун от эгасининг мурожаати бўйича жойига чиқсан ҳолда ўрганади ва қуидагилар тўғрисида маълумотларни шакллантиради:

отнинг график тасвири;

отнинг тана ўлчамлари;

отнинг келиб чиқиши ва насл-насаби (бирламчи зоотехника ҳужжатлар);

отнинг 7 дона фотосурати (отни ўнг ён томондан, чап ён томондан, бошининг олд томонидан, тумшуғи, олд ва орқа оёқларининг олдиндан кўриниши, олд ва орқа оёқларининг орқа томондан кўриниши ва бўйнининг паст томондан кўриниши).

11. «От паспорти» бериладиган отларнинг келиб чиқишини аниқлаш учун зарур ҳолларда, маҳсус лабораторияларда отнинг генетик (қон) таҳлиллари амалга оширилади.

12. Лаборатория таҳлили натижалари ушбу низомнинг **10-бандида** назарда тутилган ҳужжатлар таркибига киритилади.

13. «От паспорти» Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси раиси ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган ва муҳрланган ҳолда берилади.

14. «От паспорти» Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясининг буюртманомасига асосан тайёрланади ҳамда ушбу паспорт наслли ва спорт отларининг бутун умри давомида амал қиласи.

15. «От паспорти» 10 иш кунида расмийлаштирилади ва от эгасига тақдим этилади.

16. «От паспорти»ни от эгасига бериш вақтида Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясида юритиладиган маҳсус реестр китобига тегишли ёзув киритилган ҳолда рўйхатга олинади ва электрон шаклда расмий веб-сайтга жойлаштирилади.

17. Наслли отларга «От паспорти» берилгандан сўнг ушбу наслли от белгиланган тартибда Давлат наслчилик китобига рўйхатга олинади ва бунинг учун тўлов тўланмайди.

18. «От паспорти»га тегишли ёзувлар Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси томонидан ҳар йили киритиб борилади.

19. Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси томонидан «От паспорти»га келгуси йилларда ҳам ҳар йили киритиладиган тегишли ёзувлар киритилганда, от эгасидан тўлов ундирилмайди.

Бунда келгуси йилларда «От паспорти»га тегишли ёзувларни киритиш билан боғлиқ (хизмат сафари) харажатлар Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси зиммасида қолади.

20. Отлардан хизмат отлари сифатида фойдаланувчи ташкилотларнинг мурожаатларига кўра «От паспорти» берилиши мумкин. Бунда, ушбу низом қоидаларига амал қилинади.

21. «От паспорти»га отларни эмлаш тадбирлари, лаборатория ва диагностик текширувлар ўтказилгани тўғрисидаги тегишли ёзувлар ветеринария врачи томонидан киритилади ҳамда имзо ва муҳр билан тасдиқланади.

3-боб. От паспортини қайта расмийлаштириш, ўзгартиришлар киритиш ва ҳисобдан чиқариш

22. «От паспорти» йўқолганда ва яроқсиз ҳолатга келганда, от эгаси томонидан Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясига мурожаат қилинади ва «От паспорти» икки иш кунида бепул қайта расмийлаштирилиб берилади.

23. Отнинг эгаси ўзгарганда, унинг янги эгасининг мурожаатига кўра «От паспорти»га Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси томонидан икки иш кунида тегишли ўзгартиришлар киритилади.

24. «От паспорти»га эга бўлган отлар мажбурий сўйилса ёки бошқа сабаблар оқибатида нобуд бўлган тақдирда, от эгаси томонидан бир иш кунида «От паспорти» Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясига қайтарилади.

25. Наслли ва спорт отлари белгиланган тартиб асосида экспорт қилинганда «От паспорти» ҳисобдан чиқарилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

26. «От паспорти»га оид бирламчи маълумотлар базасининг сақланишига Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси жавобгар ҳисобланади.

27. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Наслли ва спорт отларига «От паспорти»ни бериш тартиби тўғрисида **НИЗОМГА**
1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



ОТ ПАСПОРТИ
ПАСПОРТ ЛОШАДИ
PASSPORT FOR HORSES

Мазкур хужжат от эгаси (қаровчиси)да сакланади ва от сотилган пайтда
янги эгасига берилади.


Настоящий документ сохраняется владельцем (смотрителем) лошади и
передается новому владельцу при продаже лошади.

This document is retained by the owner (caretaker) of the horse and transferred to
the new owner when a sale of horse.

Лақаби: Кличка: Name:	
-----------------------------	--


Түгилган санаси:	
Дата рождения:	
Date of birth:	
Зоти:	
Порода:	
Breed:	
Туси:	
Масть:	
Colour:	
Жинси:	
Пол:	
Sex:	
Түгилган жойи:	
Место рождения:	
Place of birth:	
Паспорт рақами:	
Номер паспорта:	
Passport Number:	
Эгаси:	
Владелец:	
Owner:	
Мамлакат:	
Страна:	
Country:	
Микрочип рақами:	
Номер микрочипа:	
Micro chip number:	

График тасвири/Графическое изображение /Diagram outline
 (1,5 — 3,5 ёш, возраст, Age)





Үнг ён томондан күриниши
 (Правая боковая сторона,
 Right side)

Оёкларниң олд томонидан
 күриниши (Вид ног с
 переди, Front view)




Олд оёқ
 (Передние,
 Forelegs) Орқа оёқ
 (Задние,
 Hind legs)

Күзниңг юқориги қисми
 (Верхний уровень глаз,
 Upper eye Level)




Чап ён томондан күриниши
 (Левая боковая сторона,
 Left side)

Оёкларниң орқа
 томонидан күриниши
 (Вид ног сзади, Hind view)




Олд оёқ
 (Передние,
 Forelegs) Орқа оёқ
 (Задние,
 Hind legs)



Тумшук
 (Морда, Muzzle)


Бүйиннинг паст томондан
 күриниши (Нижний вид шеи,
 Neck lower view)

График тасвири/Графическое изображение /Diagram outline
 (3,5 — 7,5 ёш, возраст, Age)




Үнг ён томондан күриниши
 (Правая боковая сторона,
 Right side)

Оёкларниң олд томонидан
 күриниши (Вид ног с
 переди, Front view)




Олд оёқ Орқа оёқ
 (Передние, (Задние,
 Forelegs) Hind legs)

Кўзниңг юқориги қисми
 (Верхний уровень глаз,
 Upper eye Level)




Тумшук
 (Морда, Muzzle)

Бўйининг паст томондан
 күриниши (Нижний вид шеи,
 Neck lower view)



Чап ён томондан күриниши
 (Левая боковая сторона,
 Left side)

Оёкларниң орқа
 томонидан күриниши
 (Вид ног сзади, Hind view)



Олд оёқ Орқа оёқ
 (Передние, (Задние,
 Forelegs) Hind legs)

Белгиларниң ёзма ифодаланиши
 Описание примет
 Description of signs

Боши Голова Head	
Чап олд оёғи Левая передняя нога Left Foreleg	
Үнг олд оёғи Правая передняя нога Right Foreleg	
Чап орқа оёғи Левая задняя нога Left Hindleg	
Үнг орқа оёғи Правая задняя нога Right Hindleg	
Қўшимча белгилари Дополнительные приметы Extra signs	

От эгасининг ф.и.ш. ва манзили Ф.и.о владельца и адрес Name, address of the owner	Отхона манзили Адрес конюшни Address of the stable

**От тавсифи
Характеристика лошади
Characteristics of horse**

Үлчамлари Промеры Measure	Бонитировка сони Кратность бонитировке Frequency rate of bonitation			Кўрсаткичлар Показатели Indicators	Бонитировка баллари Баллы бонитировки Bonitation mark		
	I	II	III		I	II	III
Ёши				Насл-насаби			

Возраст Age				Происхождение Origin			
Карчиғай баландлиги, см. Высота в холке, см. Height from withers, sm.				Типиклиги Типичность Typicality			
Тананинг қия узунлиги, см. Косая длина туловища, см. Oblique length of torso, sm				Үлчамлари Промеры Measure			
Кўкрак айланаси, см. Обхват груди, см. Chest girth, sm				Ташқи тузилиши Экстерьеры Exteriors			
Кафт айланаси, см. Обхват пясти, см. Metacarpus girth, sm.				Ишчанлик қобилияти Работоспособность Capacity			
				Авлодининг сифати Качество потомства Quality of breed			
				Синфи Класс Class			

Отларни эмлаш (вакцинация қилиш) тўғрисида белгилар

Отметки о вакцинации лошадей

Vaccination record

Эмланманинг номи Наименование вакцины Name of vaccine	Эмланманинг тайёрланган санаси, серия рақами, тайёрловчининг манзили Дата изготовления вакцины, номер серии, страна изготовитель Date of manufacture, batch number, place and of country manufacturer	Эмланган санаси, эмланмани қайд этилган рақами Дата вакцинация, номер регистрации вакцины Date of vaccination, registration number	Ветеринария врачнинг ф.и.ш., имзоси, муҳри Ф.и.о. ветеринарного врача, подпись, печать Name, signature and stamp of official veterinarian
--	---	---	---

Отларни эмлаш (вакцинация қилиш) тўғрисида белгилар

Отметки о вакцинации лошадей

Vaccination record

Эмланмани нг номи Наименова ние вакцины Name of vaccine	Эмланманинг тайёрланган сан аси, серия раками, тайёрловчининг манзили Дата изготовления вакцины, номер серии, страна изготовитель Date of manufacture, batch number, place and of country manufacturer	Эмланган санаси, эмланмани қайд этилг ан раками Дата вакцинация, номер регистрации вакцины Date of vaccination, registration number	Ветеринария врачининг ф.и.ш., имзоси, мухри Ф.и.о. ветеринарного врача, подпись, п ечать Name, signature and stamp of official veterinarian

Лаборатория текширишлари ўтказилганлиги тўғрисида маълумот
Данные о проведении лабораторных исследований

Labaratory health test

Сана Дата Date	Текшириш тури Вид исследования Type of test	Касаллик номи Название болезни Name of disease	Текшириш натижалари Результат исследования Result of the tests	Лабораториянинг номи, манзилива мухри Наименование, адрес лабораториии печать Name and Address of the laboratoryand Company Stamp
----------------------	--	--	---	--

Диагностик текширишлар үтказилғанлығы тұғрисида маълумотлар

Данные о проведении диагностических исследований

Data on diagnostic medication control

Синовлар ва спорт ютуқлари түғрисида маълумотлар

Сведения об испытаниях и спортивных достижениях

Information of the tests and sport achievements

Йил Год Year	Жойи Место Place	Маълумотлар Сведения Info
--------------------	------------------------	---------------------------------

Синовлар ва спорт ютуқлари түғрисида маълумотлар

Сведения об испытаниях и спортивных достижениях

Information of the tests and sport achievements

Йил Год Year	Жойи Место Place	Маълумотлар Сведения Info
--------------------	------------------------	---------------------------------

Күргазмалардаги чиқишлари тұғрисида маълумотлар Сведения о выставках-выводках Information of exhibitions and demonstrations

Кулун олиш

Приплод Offspring

№/P	Ота-онаснининг лақаби Кличка родителей Parental name	Ота-онаснининг зоти Порода родителей Parental breed	Қулун/Приплод/Offspring					
			Туси Масть	Жинси Пол	Тамға рақами Тавро №	Түғилган йили Год рождения		
	Отаси Отец Sire	Онаси Мать Dam	Отаси Отец Sire	Онаси Мать Dam	Colour	Sex	Brand №	Date of birth

От эгасининг ўзгарганлиги тўғрисида маълумот

Сведения о смене владельца

Information on change of the ownership

Насл-насаби/Родословная/Parentage

Кайд этиш
раками _____
Регистрационный № _____
Registration number
№ _____

Түгилган жой
Место рождения
Place of birth

H. 5

Лақаби

Кличка

Лақаби	Туси
Кличка	Масть
Name	Colour

Тамга
Тавро
Brand

ДНК №
ГПК№
SHB № _____

Зоти
Порода
Breed _____
Жинси
Пол
Sex _____

Түгилган санаси
Дата рождения
Date of birth _____
Иммунитет экспертизаси рақами, санаси
№ экспертизы иммунитета и дата
Immunity expertise №, date _____

Лақаби:
Тамга №:
Зоти: _____

Он:
Тамга №:
Зоти: _____

ОнОн:
Тамга №:
Зоти: _____

ОнОт:
Тамга №:
Зоти: _____

От:
Тамга №:
Зоти: _____

ОтОн:
Тамга №:
Зоти: _____

ОтОт:
Тамга №:
Зоти: _____

Чипнинг идентификация рақами
Идентификационный номер чипа
Chip identification number

Сана Дата Date	Чип коди Код чипа Chip code	Штрих код Barcode

Федерация раиси ўринбосари
 Заместитель председателя Федерации
 Deputy-chairman of Federation _____
 М.Ў/М.П/Р.Р
 Берилган вақти
 Дата выдачи
 Date of issue: _____

Отнинг эгаси ўзгарганда мазкур от паспортига Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти Федерацияси томонидан отнинг янги эгаси тўғрисидаги маълумотлар киритилиб, рўйхатдан ўтказилади ва отнинг янги эгасига қайтаради.

При смене владельца паспорт должен незамедлительно возвращаться в Федерацию коневодства и конного спорта Узбекистана, при этом сообщаются фамилия и адрес нового владельца, после регистрации, которых Федерация возвращает паспорт новому владельцу.

On change of ownership the passport must immediately be lodged with the «Horse breeding and Equestrian Federation of Uzbekistan» giving the name and address of the new owner, for re-registration and forwarding to the new owner.

**Наслли ва спорт отларига «От паспорти»ни бериш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА**

**Наслли ва спорт отларига «От паспорти»ни бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Мудда
I босқич	«От паспорт»ни олиш учун Ўзбекистон йилкичилик ва от спорти федерациясига ёзма равишида мурожаат килиш.	Хошишга
II босқич	От эгасининг мурожаати бўйича жойига чиккан холда ўрганиш ўтказиш ва белгиланган тартибдаги маълумотларни шакллантириш.	Ўн иш кунидан
III босқич	«От паспорт»ни расмийлаштириш ва от эгасига тақдим этиш.	Ўн иш кунидан
IV босқич	«От паспорти»ни маҳсус реестр китобига рўйхатта олиш ва электрон шаклда расмий веб сайтга жойлаштириш.	Икки иш кунидан
V босқич	«От паспорти» йўқолганда ва яроқсиз холатга келганда уни қайта расмийлаштириб бериш.	Икки иш кунидан
VI босқич	От эгаси ўзгарганда «От паспорти»га тегишли ўзгартиришлар киритиш ва отнинг янги эгасига қайтариш.	Бир иш кунидан
VII босқич	Отлар мажбурий сўйилганда ёки бошқа сабаблар оқибатида нобуд бўлганда «От паспорти»ни Ўзбекистон йилкичилик ва от спорти федерациясига қайтариш.	Бир иш кунидан

(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019 й., 09/19/214/2761-сон)